

«Ториқ» ва «Ан-Нажмус саақиб» ёхуд улкан болғалар (иккинчи мақола)



11:00 / 08.05.2021 3277

Калифорния университети профессори Ричард Ротшилднинг таъкидлашича, пульсар юлдузлар юлдузларнинг портлаши натижасида шаклланади ва у юлдузлар улкан миқдорда радиация тарқатади. Бу радиация энг ёрқин деб ҳисобланади. Ва у юлдуз урилаётган болғанинг овозидек ишлайди. У ўз сўзида шундай деган “Бу портлаш нейтрон юлдузини улкан болға билан уриш билан тенг эди. Бунинг натижасида юлдуз кўнғироқ овозидек жиринглай бошлади”

Ушбу тадқиқотчи шуни ҳам таъкидлайдики, бундай портлашлардан ҳосил бўладиган ёруғлик шу қадар улкан бўладики, бу юлдуз ўн сония ичида қуёш 150 минг йил давомида тарқатадиган ёруғликни чиқаради.

Шу ўринда оятдаги «Ториқ» ва «Саақиб» сўзлари илмий жиҳатдан ўта нозик услубда ишлатилганини эслайлик. Қуръони Карим юлдузнинг маълум бир турига айнан шу икки калимани ишлатган.

Олимлар узоқ ўрганишлардан сўнг бу юлдузларнинг ҳосил қиладиган тўлқинларига «гравитацион тўлқинлар» деб ном беришди. Ундаги тортишиш кучи Ерникидан миллиардлаб марта кучлироқдир. Нейтрон юлдузлар тарқатадиган ушбу гравитацион тўлқинлар ҳақида олимлар шундай дейишган «У тўлқинлар йўлида учраган ҳар қандай нарсани тешиб ўтади ва кириб боради». Ҳатто сайёрамизга ҳам ушбу нейтрон юлдузларнинг гравитацион тўлқинлари кириб боради.

Шунингдек, ушбу юлдузлар ўзидан нейтронлар чиқаради. Ушбу нейтронлар сайёрамизга ҳам етиб келиб, атмосферани тешиб ўтиб, Ер сиртига кириб боради. Олимлар денгизлар тубини ўрганиш чоғида нейтронларни топдилар. Ҳатто қуруқликнинг энг паст жойларида ҳам нейтрон моддалар борлиги аниқланди. Шундай қилиб, бу юлдуз тарқатадиган турли тўлқинлар (гравитацион тўлқинлар, нейтронлар, ёрқин нурланишлар ва болға каби уришга ўхшаш товуши) ҳар қандай нарсани тешиб ўтувчи ҳисобланади.

Юлдуз портлаб, ундаги протон ва электронлар бирлашиб, нейтрон юлдуз ҳосил бўлишини айтдик. Катталиги бўйича қуёш массасидан беш марта оғирроқ, диаметри миллионлаб километр бўлган улкан юлдуз портлагандан сўнг диаметри йигирма километрдан ошмайдиган кичик юлдузга айланади. Тасаввур қилинг, шундай улкан юлдуз портлаш натижасида кичик нейтрон юлдузга айланиб қолади. Бу НАСА олимларининг ўрганишлари хулосасидир.

Ричард Ротшилд нейтрон юлдузлардан чиқадиган товушни болға товушига ўхшатди, яъни уларни *gigantic hammer* (“Улкан болғалар”)га ўхшатди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, нейтрон юлдуз болға урилганда чиқадиган овозга ўхшаш товуш чиқариши маълум бўлди. Бу эса оятдаги «Ториқ» калимасига мос келяпти. Шунингдек, нейтрон юлдуз энг ёрқин ёруғлик таратадиган юлдуз экани, унинг таратадиган ёруғлиги, гравитацион тўлқинлари ҳамма нарсани тешиб ўтувчи, Ергача етиб келувчи экани ҳам маълум бўлди. Бу эса «Ан-Нажмус саақиб» калимасига мос келяпти. Ибн Аббос розияллоху анҳумо «Саақиб» калимасини «Ёритувчи» деб тафсир қилганлар. Демак, «Ан-Нажмус саақиб» «Ўта ёрқин порловчи» маъносига мос келмоқда.

Қуръони Каримда бундан ўн тўрт аср олдин айтилган сифатларга анча яқин келувчи юдузни олимлар ўтган асрнинг олтмишинчи йилларига келиб аниқладилар ва ҳамон ўрганишда давом этмоқдалар.

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

(Тамом)

Зағлул Нажжор суҳбати, Абдуддоим Қаҳел мақоласи

ва интернет маълумотлари асосида

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади